Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон жамоатчилигининг халқаро ва хорижий мамлакатларнинг ноҳукумат ташкилотлари билан маданий-маърифий алоқаларини янада ривожлантириш, ахборот алмашинувини кенгайтириш ва халқ дипломатиясини фаоллаштириш мақсадида:

1. Республикадаги қатор жамоат ташкилотларининг Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашини тузиш тўғрисидаги ташаббуси маъқуллансин.

2. Кенгашнинг устави белгиланган тартибда Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилгани ва ушбу кенгаш ўзини ўзи мустақил бошқарувчи, маблағ билан таъминловчи ҳамда ўз фаолиятини мустақил амалга оширувчи ноҳукумат бирлашмаси эканлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидаги вазифалар кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари деб белгиланганлиги эътиборга олинсин:

— Хорижий мамлакатлар халқлари ва чет элда истиқомат қилаётган ватандошлар билан маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш, дўстликни мустаҳкамлаш масалаларида ўзаро фойдали ҳамкорлик ва халқ дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланиш асосида дўстлик жамиятлари ва фуқароларнинг бошқа жамоат бирлашмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга, шунингдек чет эл жамоатчилигини Ўзбекистон халқи тарихи ва маданияти билан яқиндан таништиришга кўмаклашиш;

— хорижий мамлакатлар жамоатчилигида Ўзбекистон Республикаси ҳақида мустақил демократик давлат, маданий, илмий ва гуманитар алоқаларда муносиб фаол шерик сифатида тасаввур ҳосил бўлишига ёрдам бериш;

— БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ҳамда хорижий мамлакатлар ташкилотлари йўли билан маданий-маърифий алоқалар масалалари бўйича муносабатларни ривожлантириш.

4. Кенгашнинг мақсад ва вазифалари кенг қўллаб-қувватлашга лойиқ эканлигини ва демократик ўзгаришлар руҳига мос келишини эътиборга олиб, вазирликлар, идоралар, ҳудудий органлар кенгаш фаолиятини амалга ошириши учун зарур шарт-шароитлар яратишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар.

5. Кенгаш, унинг ҳузуридаги ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик тузилмалари 2000 йилга қадар устав вазифаларини амалга ошириш бўйича барча турдаги солиқлардан озод қилинсин.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашига Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан 10 миллион сўм ажратилсин.

6. Кенгаш котибияти Ўзбекистон кўчаси, 49а уйга жойлаштирилсин, лозим бўлган хоналар унинг тасарруфига бепул ўтказиб берилсин.

7. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки кенгашни ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатга олсин, миллий ва хорижий валюталарда пул муомалаларини амалга ошириши учун тегишли ҳисоб рақамларини очсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 26 май.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 27 май, сешанба № 61 (22.145).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

Бухоро вилояти пиллакорлари мамлакатимизда биринчи бўлиб давлатга пилла сотиш режасини бажардилар. Қабул пунктларига 2 минг тоннадан зиёд «кумуш тола» топширилди. Бу муваффақиятга Олот, Қоракўл, Ғиждувон, Бухоро, Жондор, Вобкент, Шофиркон туманларининг пиллакорлари муносиб улуш қўшдилар.

Вилоят пиллакорлари давлатга шартномада кўзда тутилганидан ташқари яна 500 тонна пилла сотишни мўлжалламоқдалар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

26 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга АҚШ конгресси вакиллар палатасининг даромад ва харажатлар қўмитаси раиси Билл Арчер Америка Қўшма Штатлари миллий рамзи бўлган АҚШ давлат байроғини топширди. Ушбу байроқ шу йил 7 май куни Президентимиз Ислом Каримов шарафига Капитолий биноси устига тикилган эди. Америка парламенти биносига тикиладиган бундай байроқ АҚШ халқининг муқаддас мулки саналади. У америкаликлар удумига кўра, халқ ва ҳукумат олдида буюк хизматлар кўрсатган атоқли давлат арбобларига тақдим этилади.

Шу куни «Дўрмон» қароргоҳида мамлакатимиз раҳбари Билл Арчер бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

— Юртимизга эҳтиром ва давлатимизнинг эътирофи сифатида Американинг миллий рамзи бўлган ушбу байроқни тақдим этишингиз биз учун қувонарли воқеадир, — деди Ислом Каримов. — Биз АҚШ конгресси делегациясининг мамлакатимизга ташрифини Ўзбекистонни яқинроқ билиш ҳамда ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш мақсадидаги интилиш, деб биламиз.

Суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Сафоев, АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Т. Эскудеро ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хабар қилади

АФҒОНИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН ЧЕГАРАСИДАГИ ВАЗИЯТ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги икки кун ичида Афғонистон шимолидаги Ўзбекистонга чегарадош ҳудудда вазият кескинлашди.

Маликхоннинг қуролли гуруҳлари бир неча кун муқаддам А. Дўстумга қарши чиқиб, Фарёб вилоятига кирган ва Шувурғон шаҳрини ўз назоратига олган эди. Кеча, 24 май куни бу гуруҳлар А. Дўстумга бўйсунувчи бўлимлар томонидан қаршиликка учрамай, Мозори Шариф шаҳрини эгаллади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон, Туркманистон ва қисман Тожикистон чегарасига туташ бўлган бутун шимолий ҳудуд Маликхон назорати остида турибди.

Мавжуд маълумотларга қараганда, А. Дўстум Ҳайратондан самолётда номаълум томонга учиб кетган. Ташқи ишлар вазирлиги шуни қатъий маълум қиладики, А. Дўстум Ўзбекистон ҳудудига келган эмас.

Бутун Афғонистон — Ўзбекистон чегараси бўйлаб осойишталик ҳукм сурмоқда. Шу даврда бирор фавқулодда ҳодиса ёки можаро бўлган эмас.

Ўзбекистон чегара хизмати ҳар қандай иғвогарликнинг олдини олиш ва бундай иғвогарликка йўл қўймаслик мақсадида чегарани мустаҳкамлаш чораларини кўрмоқда. Иккала мамлакат қўшни ҳудудларида осойишталикни сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш юзасидан Афғонистон чегара хизмати билан музокара олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 25 май.

«ЕР СИЛКИНИШИ ҲАҚИДА СИГНАЛЛАР ЙЎҚ»

Миш-миш ва ҳақиқат

Кейинги пайтларда кимдан, қаердан чиқяпти, билмаймизу йўқ нарсалардан миш-мишлар тарқатиш одат бўлиб қоляпти. Яқиндагина Қашқадарёнинг қайси бир қишлоғида думли одам туғилганмиш, деган гап тарқалганди. Шу кунларда эса кучли ер қимирлармиш, ер ёрилармиш, ютармиш, деган миш-миш гаплар оралаб қолди. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ғани Мавлонов номидаги сейсмология институти директори, республика Фанлар академияси мухбир аъзоси Қаҳҳорбой Абдуллабековга мурожаат қилдик.

— Тўғри, юртимизнинг кўпгина шаҳарлари, хусусан пойтахтимиз сейсмик ҳудудда жойлашган. 1966 йилдаги кучли зилзиладан кейин қурилаётган бинолар зилзилабардошли бўлиб, 8-9 балли силкинишларга чидайди. Бундан ташқари мутахассисларимиз аниқ, илмий асосланган мулоҳазани айтмасдан миш-мишлар «кучи» билан ерни, «қимирлатиб» бўларми-ди?

Барча вилоятларда станцияларимиз мунтазам ишлаб турибди. Ҳозирча ҳеч қандай ер қимирлаши мумкинлиги ҳақида сигналлар йўқ. Олимларимиз сув, газ, ҳаво таркибини мунтазам ўрганиб турибдилар. Ернинг электр магнит майдони ҳам ҳамиша назоратда. Хулоса қилиб айтганда, бу яқин кунлар-ойлар ичида ер силкиниши кутилмаяпти.

Зеро, кучсиз силкинишлар бўлиб туриши табиий. Бунақасини кўпчилик сезмайди ҳам, дейиш мумкин.

Ҳайдар НОСИРОВ.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***АҚШнинг Исроилдаги элчиси Мартин Индик Тель-Авивда баёнот бериб, АҚШ 1992 йилда Ослода тузилган Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш музокаралар жараёни бўйича Исроил-Фаластин келишуви ўз кучини йўқотди, деган хулосага келганини билдирди. Элчининг мулоҳазасига кўра, ҳар икки томоннинг хатоси туфайли шундай бўлган.***

* * *

☑ ***Россия Федерацияси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Борис Немьцов матбуот конференциясида: «Бюджет воситаларини чекланган шароитида ҳукумат давлат ҳокимиятининг қўллаб-қувватлашига ҳақиқатдан ҳам муҳтож фуқаролар тоифасигагина ёрдам беради», — дея айтди. У, пировардида, бугунги кунда Россия фуқароларининг 200 тоифаси, яъни Россия аҳолисининг 100 миллиони шундай имтиёздан фойдаланаётганликларини таъкидлади.***

* * *

☑ ***Доғистон Ички ишлар вазирлиги табиий ресурсларни ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғининг ўғрилаб кетилиши унинг гиёҳванд ўсимликларни етиштиришга қарши фаолияти билан боғлиқ, дея изоҳлайди Доғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.***

* * *

☑ ***Жанубий Корея миллий хавфсизликни режалаштириш агентлиги директорининг собиқ ўринбосари порахўрликда айбланиб, қамоққа олинди.***

МАҚТАНИШГА ҲАЛИ ЭРТА, ЖАНОБ РАИС!

Яккама-якка

Давр ўзгарди. Истиқлолнинг 6 йиллик тўйи яқинлашмоқда. Ўтган қисқа фурсатда мамлакат ҳаётининг ҳар бир соҳасида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Буни йўлсозлар ишида ҳам кўриш мумкин. Биргина пойтахтнинг ўзидаги Соғбон, Қорасарой, Фарғона шоҳ кўчалари йўловчиларни мамнун этаётган бўлса, Камчиқ довонида олиб борилаётган ишлар барчамизнинг тилимизга тушди. Аммо, бу етарли эмас. Ҳали йўлларимиздаги камчиликлар, ямоқталаб жойлар ҳаммамизни ташвишлантиради. Қолаверса, хорижий русумли енгил машиналар қаторида Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси конвейеридан чиқаётган «Нексия», «Дамас», «Тико» енгил машиналарининг йўлларимизда кун сайин кўпайиб бораётгани, йўлсозлар ишида туб бурилиш бўлишини талаб этади.

Яқинда йўлим Қашқадарёга тушди. Отчопар ёнидаги тизилиб турган таксиларга чиқишда айнан «Дамас» русумли енгил машинани танлашим ҳам, унинг республикамиздаги йўлларда юришини кузатиш эди. Тошкентдан Шаҳрисабзгача ҳайдовчи билан етти киши кетдик. Роппа-роса беш соату 15 дақиқада Китоб тумани орқали давондан ошиб Шаҳрисабзга етиб бордик. Йўлда ўзини Аҳмад ака, деб таништирган ҳайдовчи билан бу енгил автомобиль ва йўлларимиз ҳақида гаплашдим.

—Машинага гап йўқ, —дейди Аҳмад ака. —Кўриб турганингиздек, елдек учади. Аммо, йўлларимиз кўп панд беряпти. Айниқса, «бетонка» қурғур ёмон. Сирдарё, Жиззах ва Самарқанддаги айланма йўлда ўзимдан кўра ҳам машинамга ичим ачишади. Водий томондаги йўллар энсиз бўлсада, текисроқ.

Аҳмад аканинг гапларида жон бор. Юқорида тилга олинган вилоятлардаги йўлсозлар ишидан ҳар гал йўловчилар, автобус ҳайдовчилари нолиганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Ҳайдовчилар тили билан айтганда «гармошка»лар кўп. Ямоқ тўғри қўйилмайди. Таъмирлов иши суст.

Хўш, бу каби ечимини кутаётган муаммоларга мутахассислар нима дейди? Бу ҳақдаги саволларимизга жавоб топиш учун «Ўзавтойўл» давлат-акционерлик концерни бошқаруви раиси Муродилло АБДУЛЛАЕВга мурожаат қилдик.

— Давр ўзгариши билан, йўлчилар ишига бўлган талаб ҳам ўзгарди. Олдимизга ўта долзарб, ўтиш даврининг ўзига хос сиёсий, иқтисодий масалаларига ҳамоҳанг бўлган, тезликда ечилиши талаб этиладиган масалалар қўйилди. Бу муҳим, деб кўзда тутилган масала-магистраль йўлларимиз ҳолатини яхшилаш, уларни халқаро талаблар даражасига мослаш масаласидир.

Шуни ҳисобга олиб, 1995 йил «Ўзавтойўл» концерни томонидан республика автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришнинг 1996-2010 йилларга мўлжалланган миллий Дастури ишлаб чиқилди.

Дастурнинг мақсади умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларини, аҳоли ва халқ хўжалигининг автомобиль йўлларига бўлган эҳтиёжини тармоқ имкониятларидан келиб чиқиб, энг самарали технологиялардан фойдаланган ҳолда, йўл хизмати сифати даражасини халқаро меъёрларга етказишдан иборат. Аслида бизнинг йўлларимиз ўзининг геометрик ўлчамлари, меъёрий кўрсаткичлари жиҳатидан хориж йўлларидан устундир.

«Ўзавтойўл» концерни балансида бўлган 43 минг км.дан ортиқроқ автомобиль йўлларининг 3000 километридан кўпроғи халқаро аҳамиятга молик магистраль йўллар ҳисобланади. Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ҳудудларидан ўтувчи М-37, М-39, М-41 магистраль йўллари цементбетон қопламали бўлиб, бу қопламалар асфальтбетон қопламаларга нисбатан қаттиқ бўлиб, автомобиллар ҳаракатланганда шовқин кучлироқ бўлади. Бу дегани мазкур йўллар сифатсиз, дегани эмас. Аксинча, бу қопламанинг ўзига хос афзалий томонлари ҳам бор. Улар фойдаланиш кўрсаткичлари бўйича узоқ чидамлидир. Шу сабабли халқаро аҳамиятдаги магистраль йўллар цементбетон қопламали қилиб қурилган. Қолаверса, бу йўлларни меъёрлар асосида ўз вақтида таъмирланиши кўзда тутилган. Ҳозирги вақтда йиғилаётган йиллик маблағлар, лозим бўлган ҳаражатларнинг 45-48 фоизини ташкил этаяпти, натижада барча ишларни бир варакайига бажаришда етишмовчилик юзага келаяпти.

— Мамлакатимиз раҳбари йўлларга эътиборни кўчайтириш ҳақида кўп бор гапиряпти. Юртбошимиз яқинда Туркманистон пойтахти — Ашгабадда ўтган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига (ЭКО) аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг навбатдан ташқари учрашувидаги нутқида ҳам шу масалага яна бир бор тўхталди. Президентимиз: «Бу учрашувнинг мақсади минтақанинг энг муҳим иқтисодий муаммолари, авваламбор, транспорт коммуникацияларини ривожлантиришни муҳокама этишдан иборат. Тушунарлики, бу каби ўта муҳим муаммоларни ҳал қилмасдан туриб мамлакатларимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига янги туртки бериб бўлмайди»деди.

— Гапингиз тўғри, ҳукуматимиз автомобиль йўлларининг халқ хўжалигидаги аҳамиятини эътиборга олиб, йўл маблағини оширишга ғамхўрлик қилмоқда. Бу ғамхўрликдан унумли фойдаланиб, ҳамда чет эл инвестицияларини жалб қилиб, 2010 йилларгача биз магистраль йўлларимизни халқаро талаблар даражасида таъмирлаймиз. Бунга барча имкониятларимиз етарли. Малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида ҳар йили юзлаб мутахассисларни хорижга малака ошириш учун юбормоқдамиз.

— Муродилло Абдуллаевич, катта (магистраль) йўл ёқаларида енгил ва юк ташувчи машиналарга хизмат кўрсатиш нуқталарини очиш ва йўловчилар учун шарт-шароит яратиш ҳам мақтанадиган даражада эмас. Бунинг учун нималар қилиш, керак, деб ўйлайсиз?

— Ушбу масалани ўз вақтида ҳал қилиш мақсадида Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 декабрида 450-сонли «2000 йилгача бўлган даврда республиканинг магистраль автомобиль йўлларида автосервис инфраструктурасини ривожлантириш Дастури тўғрисида»ги қарори ишлаб чиқилди.

— Қамчиқ довонида олиб борилаётган ишлар ҳақида қисқача тўхталсангиз. Умуман, мазкур йўл қачон тўлиқ фойдаланишга топширилади?

— Фарғона водийсини вилоятларнинг республиканинг барча минтақалари билан йил бўйи ва кечакундуз автотранспорт алоқасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 сентябрида 314 сонли «А-373 Тошкент-Ўш автомобиль йўлини Қамчиқ ва Резак довони участкаларида тоннеллар қурган ҳолда реконструкция қилиш ва қуриш ишларини жадаллаштириш тўғрисида»ги қарори ишлаб чиқилди. Бу республикамиз фуқароларининг эмин-эркин ўз ҳудудларидан бемалол ҳаракатланишини таъминлаш имконини яратади.

Ҳозирда ушбу қарор кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш учун кенг кўламда қарийб 70 км.ли участкада қурилиш-монтаж ишлари тез суръатларда олиб борилмоқда. Тоннеллар қурилишини тегишли махсус ихтисослаштирилган уюшмалар ва ташкилотлар ҳамкорликда бажармоқдалар.

«Ўзавтойўл» концерни томонидан тегишли участкаларда 18 млн. метр куб тупроқ ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу йўлни кўрсатилган муддатда фойдаланишга топшириш, яъни бу йўллардан жорий йилнинг охиригача автобус ҳаракатини йўлга қўйиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Суҳбатдош: Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Суҳбатдан кўриниб турибдики, йўлсозлар барча ишларни ҳамирдан қил суғургандек силлиққина Дастур асосида амалга оширмоқда. Ҳатто, «Ўзавтойўл» давлат акционерлик концерни бошқаруви раиси Муродилло Абдуллаев: «Аслида бизнинг йўлларимиз геометрик ўлчамлари, меъёрий кўрсаткичлари жиҳатидан хориж йўлларидан устундир» дея мақтаниб ҳам қўяди. Бизнингча мағрурланишга ҳали вақт бор. Қолаверса, йўлсозларимиз ютуқларини МДҲдаги давлатларнинг йўлларига қиёслаётган бўлса адашадилар. Чунки, энди қўшни давлатлар бизда чиқаётган енгил машиналарга ҳавас қилиш билан бирга кенг ва равон йўлларимизда юришга ҳам орзуманд бўлиши керак. Давр ва ислоҳотлар талаби ҳам шудир.

Партия ҳаёти

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг, шу йил 26 май куни бўлиб ўтган, навбатдаги мажлисида «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг республика фуқаролари ҳуқуқий маданиятини ошириш бўйича вазифалари тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 1997 йили 20 май куни республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувида муҳокама қилинган вазифаларнинг мамлакатимиз демократик тараққиёти, халқимиз сиёсий фаоллигини ошириш, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар тақдирига дахлдорлигини, шунингдек, уларнинг партиямиз туб манфаатларига мослигини инобатга олиб, ХДП Марказий Кенгаши Котибияти ҳамда Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар, туман кенгашларига аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш умумхалқ ишида иштирок этишга доир, узоқ даврга мўлжалланган, ўз тадбирлар режаларини ишлаб чиқиб, уларни бажаришни таъминлашни топширди, «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари ва «Мулоқот» журнали таҳририятларининг шу соҳадаги вазифаларини белгилади.

Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарида Ўзбекистон ХДПнинг дастурий ғоялари, сиёсати ҳамда фаолиятини ёритилиши тўғрисидаги масалани муҳокама этди. Республикамиздаги етакчи матбуот нашрларидан бири — «Ўзбекистон овози» газетаси, ўз саҳифаларида халқимизни Президент И.А. Каримов бошчилигидаги мамлакат раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсати ҳамда ислоҳотчилик фаолияти, туб иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ўзгаришларнинг бориши, партиямиз дастурий ғоялари ва уларни рўёбга чиқариш учун олиб борилаётган ишлар, шунингдек, халқаро ҳаёт янгиликлари билан мунтазам таништираётганлиги туфайли, кенг жамоатчиликка манзур бўлмоқда. Газета таҳририяти кейинги пайтларда адабиёт, санъат, миллий маънавиятни шакллантириш масалаларига кўпроқ эътибор бермоқда, ҳаётда учраётган камчиликларни танқид қилмоқда, босилаётган ашёларнинг, жанр жиҳатидан, ранг-баранглиги, рукн ва сарлавҳаларнинг қисқа ҳамда жозибалилигига эришмоқда.

«Голос Узбекистана» ҳафтаномаси республикамиз русийзабон аҳолисини мамлакатимиз раҳбариятининг ислоҳотлар йўли, Ўзбекистон ХДПнинг пировард мақсад ва муддаоси, Миллий истиқлол мафкурасининг мазмун-моҳияти, партиямиз ташкилотларининг серқирра фаолияти билан таништирмоқда.

Бироқ, мажлисда кўрсатиб ўтилганидек, «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти ижодий жамоаси фаолиятида баъзи камчилик ҳамда нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашуви, маънавий янгиланиш жараёни, Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг фаолиятини ёритишда узвийлик, ўзаро боғлиқлик, мақолаларда ҳар томонлама таҳлил, теран фикр-мулоҳаза, амалий таклифлар, танқидий чиқишларда асосланган далиллар ҳамиша ҳам етишавермайди. Таҳрир ҳайъати ва ХДП бошланғич ташкилоти имкониятларидан фойдаланиш етарли эмас. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига, 1997 йил учун обунани уюштириш натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши партиямизнинг марказий матбуот нашрларига, мазкур иш бўйича, ёрдамини аямаётган бир пайтда, баъзи бир маҳаллий партия ташкилотларнинг уларга кўмаги талаблар даражасида бўлмаётир.

Сиёсий ижроқўм «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятига ўз фаолиятини республикамиз Президенти томонидан мамлакат оммавий ахборот воситалари олдига қўйилаётган талаблар ҳамда Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида қабул қилинган «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунлар асосида ташкил этишни, бунинг учун яратилган қулай шарт-шароит, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга эришиш вазифасини юклади.

МК Сиёсий ижроия қўмитаси мажлисида Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг шаҳар, туман партия ташкилотларига раҳбарлик амалиёти ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Унда қайд қилинишича, Тошкент вилоят партия кенгашида қўйи партия ташкилотларига раҳбарлик қилишнинг муайян тизими шаклланмоқда. Ўзбекистон ХДП қурултойлари, Марказий Кенгаш пленумлари, МК Сиёсий ижроқўми ва Котибияти қарорлари уларга вақтида етказилмоқда. Вилоят партия кенгаши пленумларида долзарб масалалар кўрилиб, ташкилотларнинг вазифалари аниқланмоқда, ижроия бюро йиғилишларида қарорларнинг бажарилиши тўғрисида шаҳар, туман кенгашларининг ҳисоботлари тингланмоқда. ХДП ўрта бўғини раҳбарларини мамлакат, вилоят, партия ҳаётидаги янгиликлар, сўнгги маълумотлар билан мунтазам ўтказилаётган котиблар кенгашлари, фаоллар йиғилишлари, семинарларда таништирилмоқдалар. Муҳим масалалар юзасидан уларга йўриқнома, тавсиянома ва бошқа услубий қўлланмалар юборилмоқда, маҳаллий партия ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд камчиликларни бартараф этишга бевосита ёрдам кўрсатилмоқда, ижобий иш тажрибаси оммалаштирилмоқда. Вилоят партия кенгаши сайёр пленумлари, ижроия бюросининг жойларда ўтказилаётган йиғилишлари ва, унинг режасига кўра, ташкил этилаётган минтақавий семинарларда, шаҳар ва туман кенгашлари раҳбар ходимлари билан бирга, БПТ котиблари, фаолларнинг ҳам иштирок этиши, улар учун, ўзига хос мактаб бўлмоқда. Натижада, вилоятда Ўзбекистон ХДП сафлари кенгаймоқда, ҳудудий партия ташкилотларининг ҳиссаси ва уларда бирлашган сафдошларимизнинг сони кўпаймоқда, партиямиз аъзолари ислоҳотларда фаол иштирок этмоқдалар.

Шунинг билан бирга, Сиёсий ижроқўм Тошкент вилоят кенгашининг шаҳар ва туман партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш амалиёти талаблар даражасида эмаслигини таъкидлади. Хусусан, партия ўрта бўғини раҳбар ходимларини танлаш ва тарбиялаш, ХДП шаҳар ва туман кенгашлари фаоллигини таъминлаш, мавқеини мустаҳкамлаш, моддий-молиявий аҳволини яхшилаш, уларнинг БПТга ғоявий-сиёсий, ташкилий-услубий кўмагини уюштиришда жиддий нуқсон ва камчиликлар мавжуд. Айрим кенгашларда сайланма органлар аъзоларининг фаолиятсизлиги, котибларнинг тез-тез алмашуви, ташкилий ишларнинг сустлиги кузатилмоқда. Анғрен, Олмалиқ, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Қўйи Чирчиқ, Тошкент туманларида Ўзбекистон ХДП сафларини ўстиришга, Бекобод ва Паркент туманларида хотин-қизларни партияга жалб қилишга эътибор етарли эмас. Зиёлилар билан ишлаш, ХДПдан сайланган депутатларга ўз бурч ва вазифаларини бажаришга амалий ёрдам кўрсатиш ҳам кўп жойларда рисоладагидек ташкил этилмаган. Вилоят партия ташкилотининг республика Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят Кенгашига ўтган сайловлардаги иштирокининг қониқарсиз натижалари, ХДП марказий матбуот нашрларига обуна бўйича топшириқларни уддалай олмаётганлиги, молиявий қийинчиликлар сурункасига давом этиши сабабли, кенгашлар аппарати ходимларининг сони тобора камайиб бораётганлиги унинг фаолиятини жиддий тарзда яхшилашни тақозо этади.

Мажлисда, шунингдек, партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўрилди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Янги замон одами

МАҲАЛЛАНИНГ ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ

Республикамиз Президентининг иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, хусусий мулк эгалари манфаатларини ҳимоя қилишга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари иқтисодий йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларда ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Айни пайтда мамлакатимизда 91 минг 430 та кичик ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Кўлами тобора кенгайиб бораётган мулкдорлар тадбиркорлиги, ишбилармонлик ҳаракатлари билан истеъмол бозорини тўлдиришга салмоқли улушларини қўшиб келишаяпти. Қувонарлиси, бундай ишлаб чиқариш шаҳобчаларининг аксарияти асосан аҳоли зич яшайдиган, маҳсулот ва ишчи кучи учун эҳтиёж сезилган жойларда ташкил этилган.

Зеро, юртимиз равнақи, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши, Ўзбекистонимиз қисқа фурсатларда жаҳондаги етакчи мамлакатлар қаторидан ўрин олиши бугунги ислоҳотларга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

Тошкент шаҳрининг «Оқтепа» маҳалласидаги «Карима» хусусий фирмаси қисқа фурсатларда шаҳардаги довруғли ишбилармон жамоалардан бирига айланди. Айни пайтда Форобий кўчасининг кунчиқар тарафида жойлашган фирма шаҳобчалари бу серқатнов йўлдан ўтганларнинг эътиборини жалб этмасдан қолмайди.

Юртимизда ишбилармонлик ҳаракати қулоч ёза бошлаган кезлари, аниқроғи, 1992 йилнинг кеч кузида Хайрулла Мўминов ҳовлиси этагида бўш турган иморатларда тикув цехини ташкил этишга киришди. Дастлаб фарзандлари-ю, келинлари жами етти киши зарур маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлашди. Кўп ўтмасдан ушбу цехни бироз кенгайтириб, қорақўл терилларини қайта ишлаб, замонавий кийим-кечаклар тикиш йўлга қўйилди. Ўз навбатида ишчилар сони ҳам кўпайиб борди. Ўша йиллари бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга буюртмачиларнинг талаби муттасил ортиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар харидоргирлиги учун айланма маблағлар салмоғи ҳам кўпайди. Даромад фирма шаҳобчаларини кенгайтиришга, янги-янги цехлар барпо этишга, асосийси маҳсулот турларини кўпайтиришга сарфланди. Маҳаллада нонга ва ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёж ҳисобга олиниб, турли хил нон ва нон маҳсулотлари ҳамда писта ёғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, цехда ишлаб чиқарилаётган тўрт хилдаги макарон маҳсулотлари фирманинг рамзий белгиси, ёрлиғи акс этган бежирим халтачаларда қадоқланиб, фирма дўконларида сотилмоқда.

— Бозорларимизда хорижнинг хилма-хил макаронлари анчагина қиммат нархларда сотилмоқда. Биз ишлаб чиқараётган макаронларнинг сифати хоржникидан юқори десам муболаға бўлмайди, — дейди Хайрулла ака биз билан суҳбатда. — Дарҳақиқат, аксарият озиқ-овқат маҳсулотларимиз юқори сифатлилиги, тўйимлилиги билан хорижда ишлаб чиқарилган шу каби маҳсулотлардан кескин фарқ қилиши шубҳасиздир.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ЕР ТАНЛАМАС

Бундан тўрт йил илгари маҳалла ҳудудидаги бир гектарга яқин чиқинди уюлган қаровсиз майдон Хайрулла акага тинчлик бермасди. У доим бурқсиб, аччиқ тутун таратиб ётган эгасиз майдонни тартибга келтиришни, бу жойни экинзорга айлантиришни ўйларди. Х. Мўминовнинг қаровсиз ерни ўзлаштириш ҳақидаги ҳаракатидан кўпчилик маҳалладошлари дастлаб ажабланишди. Ҳатто узоқни кўра билмасликда «айблаб», ўзларича «ҳукм» чиқаришди ҳам. Чиқинди уюмлари пешма-пеш шаҳар ташқарисига ташиб чиқарилди, ер тозалангач, четдан унумдор тупроқ ташиб келтирилди. Тинимсиз меҳнат эвазига бинойидек экин майдони ҳосил бўлди. Биринчи йили олинган ҳосил чакки бўлмади, мўлжалдагидан зиёд қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Бу ютуқлар баъзи маҳалладошларнинг тинчини бузди. Улар Х.Мўминовнинг ерни эгаллаб олгани, ундан фақат ўз манфаати йўлида фойдаланиб келаётгани тўғрисида юқори идораларга устма-уст шикоятлар ёзишди. Ўшанда нуфузли идоралардан борган текширувчилар қаровсиз майдонни тартибга келтириб, ундан оқилона фойдаланиб келаётгани учун экин майдонини Х.Мўминов фойдасига ҳал қилди.

— Ўтган йили 190 минг сўмлик деҳқончилик маҳсулотлари етиштирдик, — дейди Х.Мўминов. — Айниқса «Обиноввот», «Бўрикалла» каби ширин-шакар қовун-тарвузларни ҳамда турли сабзавот экинларини шаҳарда етиштирганимизга ҳамма ишонавермайди.

Айни пайтда ана шу экин майдони четида ёрдамчи хўжалик ҳам ташкил этилган. Унда йигирмага яқин қорамол, қўй-эчкилар, товуқ-куркалар боқилмоқда. Ёрдамчи тармоқдан олинаётган маҳсулотлар ҳам маҳалла аҳлига нисбатан арзон нархларда етказиб берилмоқда.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ — АМАЛДА

Юртимиз тадбиркорларидан иборат гуруҳлар хорижлик ҳамкасабаларининг тажрибаларини ўрганиш мақсадида тез-тез ривожланган мамлакатларга юборилмоқда. Ўтган йил бошларида Х.Мўминов ана шундай гуруҳ таркибида Шарқ мамлакатларида бўлди. Ўшанда у хусусий даволаш шаҳобчаларининг фаолияти билан қизиқди. Бундай кичик хусусий тиббиёт масканларининг маҳаллий аҳолига кўрсатаётган хизматларини, уларнинг мулкдорларга келтираётган нафини хомчўт қилди. Улар ишини чуқур ўрганар экан, ўзининг фирмасида ҳам тиббиёт хизматини йўлга қўйишни ният қилди. Хориждан қайтгач, шу соҳанинг йирик мутахассислари, раҳбарлари билан суҳбатлашди. Уларнинг фикр-мулоҳазалари асосида фирма қошида даволаш шаҳобчасини ташкил этишга киришди. Худди шу пайти у Американинг Нью-Йорк ва Атланта шаҳарларига сафар қилди.

— Америкадаги хусусий шифохоналар Шарқ мамлакатларидагидан анча фарқ қилар экан. Шарқда хусусий шифохоналар соҳанинг маълум бир йўналишида фаолият кўрсатса, Америкада хусусий шифохоналар кенг тармоқли, ҳамма соҳалар бўйича малакали шифокорлар замонавий асбоб-ускуналарда фаолият кўрсатишар экан, — дейди Х.Мўминов.

Америка сафаридан хусусий шифохона қуриш ҳақидаги фикрларини бойитган ҳолда қайтган Х.Мўминов бошчилигидаги тадбиркорлар қисқа фурсатларда шифохонани қуриб битказишди.

Айни пайтда ушбу хусусий шифохонада фан номзодлари, докторлари, профессорлари, академиклардан иборат тажрибали шифокорлар мурожаат қилаётган беморларни даволамоқдалар.

Эътиборли томони шундаки, шифохона тиббиётнинг ҳамма соҳаси бўйича мослаштирилган ва замонавий, жаҳон андозаларига мос асбоб-ускуналар, тиббиёт техникаси билан жиҳозланган. Унда шифокор беморни эмас, бемор шифокорни билимига, тажрибасига қараб танлайди. Бу эса изланиш, рақобатни кучайтириши табиийдир. Малакали шифокорлар кўригидан ўтиб даволаниш ҳам унчалик қиммат эмас. Айни пайтда менежер Маҳмуд Пирназаров бошқараётган хусусий шифохона бошқалари билан бевосита рақобатлаша олади.

Яқинда Америка Кўшма Штатларидаги «Ревазь интернейшль» фирмаси президенти жаноб Рошаль пойтахтимизда бўлганида саломатлиги безовта қилади. У реклама орқали шифохона ҳақидаги маълумотга эга бўлгач, бу ердаги шифокорларга мурожаат қилади ва шифо топади.

Жаноб Рошальдан Тошкентдаги нуфузли шифохоналарда эмас, балки хусусий шифохонада тишини даволатиш сабабини сўраганимизда у шундай деди

— Биз одатда маиший хизматнинг хусусий секторидан фойдаланиб ўрганганмиз. Америкада битта тишни даволатиш учун ўртача 500 доллар сарфлашга тўғри келади, бу албатта оддий фуқаро учун кичик пул эмас. Мен эса уч кун қатнаб, 400 сўм тўладим, холос.

— Одатда ҳозиргача битта палатада бир неча киши даволанишига тўғри келади. Бизнинг хусусий шифохонада битта беморнинг шифо топиши учун энг камида иккита хона хизмат кўрсатиши лозим, — дейди Х.Мўминов. —Бунинг учун замонавий стационар қуриш ниятим бор, лекин уни қуриш учун ер майдони муаммо бўлиб турибди. Маҳаллий ҳокимият ажратаётган ер биздан анча узоқ. Ваҳоланки, мен қурмоқчи бўлган стационар поликлиника билан бақамти бўлиши лозим. Шунда шифокорларимиз ва мижозларимиз вақтларини беҳуда кетказишмасди. Яна муҳими, даволанувчиларнинг таъбига ва эҳтиёжига қараб сифатли овқатларни тайёрлаб беришимиз лозим бўлади.

Жойларда маиший хизмат турларини кўпайтиришга, улар хизматини талаб даражасида ташкил этишга катта эътибор қаратилаяпти. Юртимизда илк қалдирғоч сифатида тиббиёт соҳасида иш бошлаган бундай тадбиркорларни фақат қўллаб-қувватлаш лозим. Чунки, тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатишга ҳар қандай тадбиркорнинг ҳам иқтисодий қуввати етмайди, бу соҳа катта сарф-харажат ва алоҳида уқув талаб этиши табиийдир.

Айни пайтда тадбиркор Х.Мўминов ҳовлисига кирсангиз, гўё мўъжазгина заводда юргандек ҳис этасиз. Ушбу фирманинг ишлаб чиқариш цехларида, шифохонасида ҳамда маиший хизмат шаҳобчаларида иш юритиш замонавий усулда ташкил этилган. Бутун бошли фирма замонавий технология ва асбоб-ускуналар билан, ҳатто назорат камералари-ю, кириб чиқиш махсус механизмлар билан жиҳозланган.

Яна бир нарса, ушбу хусусий фирмада меҳнатга муносабат ҳам ўзгача. Ишчи-хизматчиларнинг дам олишларига, маданий ҳордиқ чиқаришларига алоҳида эътибор берилади. Юмшоқ мебеллар билан жиҳозланган замонавий дам олиш хоналари улар хизматида. 130 киши меҳнат қилаётган ушбу хусусий фирмада тушлик ҳам текин, ишчи хизматчиларнинг таъбига қараб таом тайёрланади.

«Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик», деганларидек, Хайрулла Мўминовнинг ҳовлисидаги «ЎзДЭУавто»да ишлаб чиқарилган қатор машиналарни кўриб кўзингиз қувнайди. Замонавий «Нексия», «Дамас», «Тико» каби машиналар корхона юмушидан ортиб, оила корига ҳам ярамоқда. Биргина тадбиркор нафақат оиласини, балки маҳалласини обод қилишга ҳаракат қилаётганини кўриб қалбингиз нурга тўлади.

«Карима» хусусий фирмаси цехларини кўздан кечирар эканмиз, бу ерда маҳалланинг тадбиркор янги авлоди, уддабурон ёшлари меҳнат қилаётганликларининг гувоҳи бўлдик. Улар бошқараётган дастгоҳларига, фирманинг ҳар бир жиҳозларига янгича фикр билан ёндошиб, хусусий мулкка эгалик ҳисси билан меҳнат қилишмоқда. Дарҳақиқат, бугунги ҳаёт барчамиздан тадбиркорлик билан иш юритишни, ҳақиқий ишбилармон, элга нафи тегаётган тадбиркордан эса янада ташаббускор, изланувчан бўлишни талаб этмоқда. Ҳа, даврнинг талаби ҳам шу.

Зариф МИРЗАҚУЛОВ.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ НАТИЖАЛАРИ

Миллат ва маънавий тарбия

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши истиқлол даврининг дастлабки йилларида маҳаллий ташкилотлар қошида «Маърифат» марказлари ташкил этиш ташаббусини бошлади. «Маърифат» марказлари мафкуравий ишларнинг таянч нуқталарига айланди.

Бугун Андижонда бўлиб ўтадиган «Маърифат» марказлари фаолиятини такомиллаштириш масалаларига оид республика кўрик-семинари ҳам ана шу мавзуга бағишланади. Мухбиримиз анжуман арафасида Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Расулжон МУХТОРОВ билан суҳбатлашди.

— «Маърифат» марказларини вужудга келтириш қандай бошланган?

— Фуқаролар дунёқарашини кенгайтириш, илмий-сиёсий билимларини ошириш, мафкуравий ишларни талаблар даражасида ташкил этиш масъулияти, истиқлолга фидоийлик партия маҳаллий ташкилотлари таянч нуқталарини барпо қилиш эҳтиёжини юзага чиқарди. Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши аниқ мақсадни амалга ошириш ҳаракатида «маърифат» марказлари ташкил этиш ташаббускори бўлди.

— Маърифат марказларининг фаолияти ҳозир қай тарзда?

— Бугунга келиб вилоятимизда 250 дан зиёд «маърифат» марказлари ишлаб турибди. Ўзбекистон ХДП Хонобод шаҳар кенгаши, Бобур номли ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бўз тумани Навоий номли жамоа хўжалиги, Шаҳрихон тумани «Шаҳрихон» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилотлари қошидаги маърифат марказлари қўпчилик учун ибратли маънавият маркази бўлиб қолди.

— Президент Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида маънавия — маърифий ишларга алоҳида эътибор берилди. Бу «маърифат» марказлари фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Шундан келиб чиқиб, янги режалар белгиландими?

— Албатта, ҳақиқатан ҳам юртбошимиз айтганларидек, энг қувончли томони шулким, бугун вилоятда маънавий-маърифий ишларни кенг қуламда амалга оширишга, инсон тафаккурида миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аждодларимиз меросига, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Хатлар

Хатлар

Хатлар

ҚИРҚ ЙИЛ ҚУРИЛИШДА ИШЛАГАН

Ҳурматли таҳририят!

«Ўзбекистон овози» саҳифасида жуда кўп касб эгалари ҳақида мақолалар, хабарларни ўқиймиз. Аммо, негадир қурувчилар, ўз касбини севган бунёдкорлар ҳақида нисбатан кам ёзилади. Бизда ўз касбини сидқидилдан севган кишилар анчагина. Улардан бири Тамара Поповадир!

Ишонасизми, Тамара Николаевна қарийб қирқ йилдан буён одамлар орасида. Ҳозирда «Ўзсувқурилиш» давлат концернига қарашли қурилиш-монтаж бошқармасида ишлайди. У шу йиллар давомида фақатгина самарали меҳнат қилиб қолмасдан турли миллат вакилларини аҳилликкa, ўзаро дўстбиродарликка ҳам чорлади. Бундан ташқари, Тамара опа жуда ташаббускор. Ҳаммага маслаҳатчи. Шундан бўлса керак, бошқармамизда ҳамма уни ҳурмат қилади. Обрўси баланд.

—Тамара опа, ўзбек тилини мукаммал билади. Бошқармадаги раҳбар ва русийзабон ишчиларни ҳам ўзбек тилини ўрганишига жонкуярлик қилди,— дейди Аҳмат Маҳмудов қувониб.

Дарҳақиқат, концерннинг қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари республикамиздаги юзлаб улкан қурилишларда қатнашди. Пойтахтдаги ҳашаматли қурилишларнинг қад ростлашида ҳам улар хизмати бор.

60 ёшни қаршилаган Тамара опа бугун ҳам шогирдларини фақат ғайрат-шижоат билан ишлашга даъват этади. У киши: «Энди икки-уч ҳисса ишлаш вақти келди, чунки мустақил Ватанимиз дунёдаги барча ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига озгина фурсат қолди» дея чарчашни билмайди.

Нина ШИЛО,
Елена САМОЙЛОВА,
Тошкент шаҳри.

ШИФО ТОПДИМ

Бешкент шифо маскани вилоятимиздаги нуфузли шифохоналардан бири ҳисобланади. Санаторийда даволанувчилар учун барча шароит муҳайё. Бу шифо масканининг ўзига хос томони шундаки, у бўғин касалликларини даволашга, ҳаракат, таянч органлари фаолиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Яқинда бўйним ва белим шамоллаб мазкур шифо масканида даволандим, 21 кун давомида шифокор Илҳом Шаропов ва катта ҳамшира Ноила Равшановалар менга парвона бўлишди. Шифобахш балчиқ, парафин билан даволаш ҳамшираси Хосият Пардаева, физиотерапия ҳамшираси Маърифат Полвонова, шифобахш сув билан муолажа ҳамшираси Сурайё Мавлоноваларнинг хизмати катта. Уларнинг саъй-ҳаракатлари ва ширин сўзлари туфайли оёққа турдим.

Хуллас, шифо масканининг бутун жамоасига чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор этаман.

Эштемир ТУРСУНОВ,
Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани Охунбобоев номли жамоа хўжалиги.

ОЗОРМИ, ЁКИ...?

Сизни таажжублантираётган ушбу сурат Хоразм вилоятининг Дружба (?) шаҳар марказида тасвирга туширилган. Илк бор биз ҳам бу сўзга дуч келганимизда бироз ўйга толдик. Изоҳли луғатни варақлаб, «Озор» сўзини топдик. «Озор бермоқ маъносини англатади», дейилган. Демак, бу бинода... Қўйинг, яхшиси бу сўзнинг маъносига Дружба шаҳар ҳокимлигидаги масъул ўртоқлар аниқроқ жавоб беришар. Шундай эмасми?

Ҳ. ЖАББОРИЙ,
Ж. ҚОЗОҚ,
Хоразм вилояти Боғот туман «Туркистон» жамоа хўжалиги.

МЕН ЎЗБЕКМАН

Мен ўзбек оиласида таваллуд топдим, ўзбек юртида ўсдим, улғайдим. Ўзбек маданияти ва санъатидан, унинг бой қадриятларидан баҳраманд бўлмоқдаман. Тарбия ва одоб бобида, меҳнатсеварлик ва меҳмондўстлик, катталарга ҳурмат, кичикларга меҳрибонлик каби миллатимга хос фазилатларни кўплар орзу қилади, бу хислатларни биздан ўрганишни исташади.

Мен шундан мағрурман. Буюк алломалар ватани, даҳолар ўсган, унган юртнинг фарзанди эканимдан қувонаман.

Мен ўзбекман.

Жаҳон маданиятининг муҳташам пойдеворига бир неча авлодларим, ватандош ва ҳатто замондошларим қўйган ғиштлар шунчалар мустаҳкамки, бундан фахрга тўламан.

Бу кўҳна ўлканинг фахри, ёруғ юлдузлари бўлган ўзларининг илмзаковатлари, ақлидроклари, серқирра ижодлари билан дунёни лол қолдирган Абу Райҳон Беронию ал-Хоразмий, Фаробию Имом - Бухорий, Аҳмад Яссавию Имом ат-Термизий сингари машҳур алломалар, елкаси ерга тегмаган саркарда Амир Темур ва шонли лашкарбоши Жалолиддин Мангуберди, афсонавий қаҳрамонлар Широқу Тўмарислар, сўз мулкининг султони Алишер Навоийю гиёҳлар билан тиллашган табиблар шоҳи Абу Али ибн Сино, юлдузлар билан тиллашган илм пешвоси Мирзо Улуғбек сингари маънавияти кенг буюк даҳолар менинг бобокалонларим эканидан мағрурман.

Давлатим рамзларида бугунги истиқлол пойдеворига асос солган минглаб авлодларимнинг орзуси, интилиши, курашини кўраман.

Мен мустақиллик муҳташам биносининг биринчи ғиштини қўйганлар ва уни давом эттирган улуғ инсонлар олдида бош эгаман, улар ватандошим, кейингилари замондошим бўлганликларидан фахрланаман.

Катта боболаридан илми ҳикматни ўрганиб ўн икки ёшида мактабни тугата олган ва жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетига кириб ўқиётган Ўзбекистон тарихидаги энг ёш талаба Мурод Мирзодек ўринбосарлар етишиб чиқаётганидан қувончим билан бир қаторда она юртимнинг эртанги куни порлоқлигига ҳеч шубҳа қилмайман. Муроджон сингарилар Ватанимнинг эртанги бошқарувчилари бўлишига ишонаман ва бу билан фахрга тўламан.

Агар ростини айтадиган бўлсам, мен икки марта ҳақиқий бахтга эришдим. Биринчиси шуки, мен инсондан бунёд бўлганман. Қуръони мажидда ва тавсифларда айтилишича, «Ҳақ таоло самодаги минг-минг фаришталари, малаклари орасидан бирини эмас, балки жисмига илоҳий руҳ бахш этган Инсонни бу дунёда ўзига халифа-ўринбосар деб эълон қилган. Фаришталарни Инсонга — Одам атога сажда қилдирган». Демакки, инсон бўлиб туғилганим бу менинг биринчи бахтимиқболимдир.

Иккинчиси, мен Ўзбекистондек жаннатмакон ўлканинг ҳақиқий ва қонуний фарзандиман. Мен ижтимоий адолат йўлидан бориб, эл-юрт фаровонлигига эришаётган, ўзининг аниқ, илмий асосда белгиланган йўли бор бўлган келажаги буюк давлатнинг тенг ҳуқуқий фуқаросиман.

Мен турли миллат ва элат фарзандларининг дўст, биродарлигини, тенглигини қоғоздагина эмас, амалда ҳам таъминлаб келаётган юртнинг ўғлониман.

Мен халқимнинг бирлиги, тинч-тотувлигини кўриб шодланаман. Унинг табиатида янгиликка интилиш, эртанги кунга ишонч билан қараш, меҳнатсеварлик ва унга ижодий ёндошишдек, ажойиб фазилатлар борлигидан руҳланаман. Ахир мен шу заминда, шу ғўзал ўлкада таваллуд топдим, ўсдим, улғайдим. Ғўзал Тошкентимдан кўҳна Хевагача, Фарғона водийсининг сўлим жойларидан Жиззах тоғларигача, навқирон Самарқанддан Нукусгача, Сурхондарёдан Гулистонгача бари-бари боғлару тоғлар, сойлару дарёлар менинг ўлкам, менинг Ватаним. Шундай хушманзара жаннатмакон юртнинг халқи менинг туғишганларим ака-укаларим, опа-сингилларимдир. Бу ўлкадагилар бир-бирларига сен қайси миллатдансан, қайси вилоятдансан, ота-онанг каттами, боймисан каби саволлар беришмайди. Ҳар бирларига билимлари, муомалалари ва ақлидрокларига қараб баҳо берадиган халқнинг бир вакилиман.

Ўзлик

Ҳа, мен тинч Ватанимда тўла тенглик бўлишини ҳам истайман. Чунки тенгликни Расулуллоҳ Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг издошлари ҳам орзу қилган эдилар.

Ана шу орзу тонги 1991 йилнинг 1 сентябрида отган эди. Шу йиллар ичида халқимиз руҳиятига мос бўлган ва уни эъзозлашга молик қадимий, лекин доим навқирон Наврўз айёмини, Рўза ҳайитию Қурбон ҳайитини тантана билан байрам қилмоқдамиз. Юртбошимиз айтиб ўтганидек, истиқлол шарофати билан кўп қадриятларни, иймонимизни, миллий ғуруримизни, озодликни, бир сўз билан айтганда, парвардигорни қайтадан чинакамига танидик. Қуръони каримни ўз она тилимизда ўқияпмиз.

Шундай бахтли кунимиз учун Спитамен сингари, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби она юрти, миллати озодлигини куйлаган, ўзбек халқининг асл фарзандлари руҳи олдида бош эгамиз. Шундай азиз инсонлар қон-қардошим, аждодим бўлганидан қалбим ғурурга тўлади.

Икки дунё-фоний ва боқий дунё саодатига эришган ҳам жисмоний, ҳам маънавий пок, баркамол бу инсонлар ўз Ватанига мурувват кўрсатолганлар. Мен улар билан фахрланаман ва уларга ўхшашни истайман.

Ўзбекистоннинг дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиб, жаннатмакон давлат деган ҳақли номини ҳаёт тасдиқ этади. Бу кунлар узоқ эмас. Фақат инсофли, диёнатли, ишнинг кўзини биладиган эътиқоди бут одамлар кўпайсин.

Мен демократик давлат қураётган ўлканинг бир оддий фуқароси эканим ва шу даврда яшаш ва ишлаш насиб этганидан бахтиёрман.

Шу ният ва орзу йўлидан қайтмасликни яна бир бор қалбимга жо қилиб, буюк Ўзбекистоннинг эртанги кунини кўриш насиб этишини Тангридан илтижо қилдим.

Ахир мен ҳам инсофли, диёнатли халқим сафида истиқлол йўлидан боряпман. Бу йўл қанчалик оғир бўлмасин унинг охири чароғондир. Чунки унинг асосида миллий ғурурни тиклаш, ўзини англашдек, буюк мақсад бор. Бу йўл Ўзбекистон йўли.

Мен сингари шу азиз йўлдан кетаётганлар сони 22 миллиондан ортиқ. Бу катта куч. Уни бошқа йўлга ундовчи, бу азиз йўлдан бизни чалғитувчи ёки сўзи билан дили бошқабошқа бўлган кимсаларнинг илоҳо сони озайсин.

Она юртимизнинг кўплаб заҳиралари борлиги бу бизнинг бойлигимиз, қудратимиз эканини билиб қўйишсин. Ҳар йили етиштирилаётган пахта толаси, мева-сабзавот ҳосили шу халқим учун-ку!

Авиация заводидан чиқаётган самолётлару машинасозлик заводимиздан чиқаётган автомобиллар билан фахрланмай бўладими?

Ҳа, мен бағри кенг элнинг ўғлиман!

Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ.

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

☑ **МОСКВА. Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан бўлиб ўтган музокаралар натижалари ҳақида Давлат думасига ахборот берди. Унинг Россия —НАТО ҳамкорлиги ҳақидаги ахборот ёпиқ эшиклар ортида тингланди.**

Маълумки, бугун Франция пойтахтида Россия билан НАТО ўртасидаги муносабатлар тўғрисида тегишли ҳужжат имзоланиши режалаштирилган.

* * *

☑ **АШГАБАД. Франциянинг «Буиг» компанияси мутахассислари Президент Сапармурод Ниёзовга Туркманистон конгресси ҳамда Санъат саройи қурилишининг бош режасини ҳавола этди.**

Ашгабадда қад кўтариши режалаштирилган ушбу саройнинг умумий майдони 58 минг квадрат метрни ташкил этади. Унинг қурилишига 100 миллион АҚШ доллари миқдорида харажат қилинади. Сарой қурилиши шу йил июль ойида бошланади.

* * *

☑ **АЛМАТИ. Қозоғистон пойтахтида «Трансевроосиё-97» номли халқаро конференция ўз ишини якунлади.**

Икки кун давом этган мазкур анжуманда Марказий Осиё мамлакатларининг транзит салоҳиятини ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Анжуманда йигирмадан зиёд мамлакат ҳамда кўплаб халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

* * *

☑ **ДУШАНБЕ. Тожикистонда СПИДга қарши миллий мувофиқлаштириш қўмитасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда XX аср вабосига қарши кураш бўйича ҳукумат тасдиқлаган дастурга мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси муҳокама қилинди.**

Маълумотларга қараганда, айни вақтда Тожикистонда СПИДга чалинган иккита бемор рўйхатга олинган.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

«Ассошиэйтед-Пресс» Монголияда бўлиб ўтган Президент сайловларида талабгорлар қанча овоз тўплаганликларини маълум қилади. Монголия Халқ инқилобий партияси раиси Багабанди 61 фоиз овоз тўплаб, Президент лавозимига сайланди. Собиқ Президент Очирбат бор-йўғи 30 фоиз овоз тўплаган.

* * *

Ҳиндистонда Гандилар сулоласидан бўлган марҳум Бош вазир Раджив Гандининг беваси Соиф Ганди яна сиёсат майдонига чиқмоқда, дея ёзади Канаданинг «Глоуб энд мэйл» газетаси. Мамлакат мустақиллигига 50 йил тўлган бўлса, шундан 38 йил мобайнида давлатни Гандилар сулоласи бошқарган.

* * *

АҚШга келиб ўтроқлашиб қолаётган аҳоли мамлакат иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир этмоқда, дея хабар беради «Сан-Диега Юнион-Трибьюн» газетаси. Миллий фанлар академияси ўтказган тадқиқот натижаларининг хулосаси шу. АҚШ ҳар йили расмий равишда 800 мингга яқин чет эллардан кўчиб келаётганларни, бундан ташқари 300 мингга яқин яширинча кўчиб келувчиларни қабул қилиб олади.

* * *

«Ди вельт» газетаси нацистлар босиб олган мамлакатлардан олиб чиқиб кетилган олтин ва қимматбаҳо буюмлар ҳақида ёзади. Газетанинг маълумотига кўра, шу бойликлар сақланаётган давлатлар уларни қайтаришдан ҳар хил йўллар билан бош тортмоқда. Мухбирнинг фикрича, бу халқаро қоидаларга зид бўлиб, ўша мамлакатларнинг халқаро миқёсдаги нуфузини туширади.



ЎРГИМЧАК «МАРЖОНЛАРИ».

АФСОНАВИЙ ҚИРОЛ

XX аср юлдузлари

Юзлаб фирмалар, минглаб газета ва журналлар, телевидение, радио сени реклама қилиб турса бундан ортиқ бахт борми? Миллионлаб ишқибозларинг олқишласа, ер юзидаги миллиардлаб мухлислар «санъатингдан» маҳлиё бўлиб тасаннолар айтса, албатта бахтиёр бўласанда!

XX асрда кўплаб ана шундай машҳур «юлдузлар»ни учратиш мумкин. Лекин «юлдузлар» орасида ҳам ёрқинроқ порлаганлари бор. Шулардан бири ўзининг ҳалол меҳнати, тиришқоқлилиги билан мисли кўрилмаган ютуқларга эришган Эдсон Арантес ду Насименту — Пеледир.

У 1940 йилнинг 23 октябрида Бразилиянинг Минас Жерайс штатидаги Трес — Корасеас шаҳрида дунёга келади. Отаси Жоно Ромос ду Насименту машҳур футболчи бўлган.

Онаси Селете эса уй бекаси. Пеле ўзининг ёшлигини хотирлаб шуларни ёзади: — «Биз жуда камбағал яшардик. Уйимиз ёғочдан қурилган бўлиб, ёмғир ёққан кунлари озгина ухлаб олиш учун жой тополмасдик. Овқатга, нонга зор бўлган кунларимиз кўп бўлган. Уй пулини тўлолмаганлигимиз учун онам отам билан тез-тез уришиб турарди. Совуқ пайтлари кичкина ошхонадаги печ атрофида ухлардик. Ёшлигимда қийналиб ўсдим. Жуда кўп ишлар бошини тутдим. Лекин негадир пул топиш жуда қийин кечарди. Бозорда ўтин сотдим, вокзалга чиқиб пойабзал тозаладим. Ҳаёт кечириш учун нимага қодир бўлсам уриниб кўрдим. Лекин натижа бўлмади.

Вужудимда, томирларимда отамнинг қони мавж урарди. Нима бўлганда ҳам машҳур футболчи бўлишим кераклигини отам менга тез-тез уқтирарди. Футбол ҳақида узоқ суҳбатлашардик. Хотираларидан сўзлаб берарди. Билмаган нарсаларимни эса қунт ва сабот билан чин дилдан ўргатарди. Тез-тез стадионларга бориб турардик. Шундан бўлса керак, футболга ёшлигимданоқ меҳр қўйдим ва бир умр унга боғланиб қолдим. Тўп сотиб олишга қурбимиз етмасди. Боя айтганимдек нон харид қилишга топилмаган пулни тўпга қаердан ҳам оламиз. Шунда эски латтапутталарни йиғиб «тўп» ясардик. Эртадан кечгача ана шу тўп билан футбол ўйнардик.

Саккиз ёшимдан бошлаб эса мактабга қатнай бошладим. Дард устига чипқон деганларидек мени мактабга боришим ҳам оиламиз учун нохуш бир воқеа эди. Чунки янги кийим-бош, дафтар-ручка сотиб олиш зарур эди... Мактабда билим беришдан кўра тартиб-интизомга кўпроқ эътибор бериларди. Бу менга ёқмасди».

... Пеле ҳар доим 10-рақам остида майдонга тушади. У 1958 йилги жаҳон чемпионатига бориш учун Бразилия терма жамоаси таркибига киритилади. Бундай унутилмас ва қувончли воқеа ўспирин ҳаётида бир умрга муҳрланиб қолди. Ўша йилги чемпиокатда бразилиялик футболчилар Австрия, Англия, СССР ва Уэльс терма жамоаларини мағлубиятга учратади. Ҳал қилувчи учрашув эса майдон эгалари — Швеция терма жамоаси билан ўтказилади. Финал 5:2 ҳисобида бразилияликлар фойдасига ҳал бўлади. Бу чемпионатда Пеле олтита тўп киритди. «Ўйин тугаганлиги ҳақидаги ҳуштак янграганда ҳаммамиз қувончимиздан йиглагандик, — дейди Пеле. Чемпион бўлдик. Бундан қанча ғурурланса арзирди. Стадионни айланиб чопдик.

Шундан сўнг Швеция қироли бизни қутлади. Қаерга борсак, мухбирлар, операторлар, суратчилар, футбол ишқибозлари бизни ўраб олишарди. Базму жамшидларнинг адоғи кўринмасди. Озгина бўлсада мизғиб олиш учун фурсат тополмасдик. Эҳ, бундай лаҳзаларни унутиб бўладими?!»

Йигит кишининг омади бор, дейдилар. Пеле ҳам бундан мустасно эмасди. Иқтисодни ўйламайдиган вақт келганди. Шартномадаги пул, мукофот ва турли рекламалардан тушаётган бошқа маблағлар унга етарди. Нимага эришган, эришаётган бўлса барчаси ўз меҳнати эвазига бўлаётганди. Жаҳон чемпионати ўтгандан сўнг бироз вақт ўтгач у бўлғуси турмуш ўртоғи Розмарини учратади. Футбол оламида ҳам омад унга кулиб боқди. Шу йиллар ичида Пеле ўзининг севимли «Сантос» жамоаси билан жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида бўлди. Халқаро ва ўртоқлик учрашувларда иштирок этди. Рақиблар дарвозасига юзлаб тўп киритди. Чиройли ва бетакрор ўйинлар кўрсатди.

Эндиги асосий мақсад эса 1961 йили Чилида бўладиган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳам ғолиб бўлиш эди. Винья Дельмар шаҳрида бўлиб ўтган учрашувларда бразилияликлар Чехословакия терма жамоаси билан дуранг (0:0) ўйнайди. Испания, Мексика ва Чили терма жамоаларини мағлуб этиб финалда яна чехлар билан учрашади. Ўйин 3:0 ҳисобида бразилияликлар фойдасига ҳал бўлади. Бразилия — яна чемпион! Бу ғалабаларнинг ҳар бирида Пеленинг ўз ҳиссаси, чиройли ва бетакрор футбол «рақс»лари бор...

Терма жамоа 1966 йилда бўлган жаҳон чемпионатида инқирозга юз тутди. Бунинг бир қанча сабаблари бор эди. Биринчидан, жамоа илгариги шон-шуҳратдан жуда «талтайиб» кетганди. Лекин ҳаммасини вақт ва ўйин кўрсатди. Майдон текис — тўп юмалоқ. Бразилиялик футболчиларнинг барча ширин орзулари Англияда тушга айланди...

Орадан тўрт йил ўтди. 1970 йили Мексикада бўлган жаҳон чемпионатида Пеле тўртинчи марта қатнашади. Финалда Бразилия Италия терма жамоасини (4:1) мағлубиятга учратиб учинчи марта жаҳон чемпиони бўлади. Жюля Риме олтин кубогини жамоа ўзида сақлаб қолди.

Чемпионат бошланмасдан олдинроқ, яъни 1968 йилнинг ноябрь ойида Пеле «Васко да Гам» жамоаси билан бўлган учрашувда ўзининг 1000-тўпини киритганди. У «Футбол қироли»га айланди. Бундай шарафли ном камдан-кам футболчигагина насиб этади.

...Машҳурлик даражасига етиш жуда қийин. Сақлаб қолиш эса ундан ҳам мураккаб. Лекин тортинчоқ, меҳнатсевар Пеле бу хислатларни бир умрга ўзида сақлаб қолди. Бразилияда, қолаверса жаҳонда футболни ривожлантиришда унинг алоҳида ҳиссаси бор. У ер юзининг саксон саккиз мамлакатида бўлди. Етмишта Президент, элликка яқин давлат раҳбарлари билан учрашди.

Рақиблар дарвозасига 1300 дан ортиқ тўп киритган «Афсонавий қирол» ҳақида кўплаб ёзилди, бундан кейин ҳам ёзилажак. Бунга шубҳа йўқ, албатта.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 27 майидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	46,53
1 Австрия шиллинги	5,12
1 Англия фунт стерлинги	99,76
10 Бельгия франки	17,50
1 Голландия гульдени	32,14
10 Греция драхмаси	2,26
1 Дания кронаси	9,48
1 БАА дирхами	16,56
1 АҚШ доллари	60,81
1 Миср фунти	17,95
1 Ирландия фунти	92,43
1 Исландия кронаси	0,88
10 Испания песети	4,27
100 Италия лираси	3,66
1 Канада доллари	44,22
1 Хитой юани	7,33
1 Кувайт динори	201,42
100 Ливан фунти	3,96
1 Малайзия рингги	24,33
1 Германия маркаси	36,12
1 Норвегия кронаси	8,64
1 Польша злотийси	19,02
10 Португалия эскудоси	3,58
1 Сингапур доллари	42,50
1000 Туркия лираси	0,44
1 Финляндия маркаси	11,97
1 Франция франки	10,71
1 Швеция кронаси	8,01
1 Швейцария франки	43,65
1 ЭКЮ	70,40
10 Жанубий Корея вони	0,68
10 Япония иенаси	5,25
1000 Россия рубли	10,54
1 Украина гривнаси	32,83
1000 Белорусь рубли	2,28
1 Эстония кронаси	4,80
1 Латвия лати	106,87
1 Литва лити	15,20
1 Қозоғистон тенгеси	0,80
1 Қирғизистон соми	3,40

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Аломат дунёнинг аломат гаплари

АРНОЛЬДНИНГ ОРЗУСИ

Американинг машҳур киноюлдузи Арнольд Шварценегер бугунги кунда дунёдаги энг бой актёрлардан саналади. У ўзининг иқтисодий «империяси»ни актёрлик фаолиятидан ташқари хусусий ресторанларидан келадиган пуллар ҳисобига ҳам кенгайтирмоқда. Айниқса, унинг «Голливуд сайёраси» ресторани анча машҳурдир.

Бугунги кунда «Голливуд сайёраси» дунёнинг турли бурчакларида 30 дан ортиқ шаҳобчаларига эга бўлиб, улардан тушган йиллик даромад «бор-йўғи» 50 миллион долларни ташкил этар экан. А. Шварценегер яқин кунлар ичида ўз ресторанлари сонини яна 12 тага кўпайтириш ҳаракатида, Германиянинг Берлин, Оберхаузен шаҳарларида ҳам Арнольднинг «чойхона»лари очилиш арафасида турибди.

ҲАССАНАЛНИ МИЛЛИАРДЕР ДЕСА БЎЛАДИ

Бугунги кунда дунёда Бруней султони Ҳассанал Болкиахга етадиган бойвачча камдан-кам топилса керак. Ҳозирда унинг ғазнасидаги бойлик 40 миллиард АҚШ долларига тенг экан. Ҳассанал Болкиахнинг бошқа бойлардан фарқли томони шундаки, у ашаддий автомобиль коллекционеридир.

Айни пайтда унинг юзлаб «Порше», «Феррари», «Ломборджини», «Линкольн», «Бентли» ва «Ягуар»и бор.

Яқинда эса, Бруней султони Швейцарияга сафари чоғида, Женева-Лозанна йўналиши бўйича қатнайдиган поездни 50 минг долларга бир кунлик ижарага олди.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 27-may, seshanba № 61 (22.145).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи Х. АБДУЛЛАЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

•

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

•

Ҳажми 2 босма табоқ

•

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

•

Г — 0282

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.40.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

БУ ТЎПЛАР ҚАНОТ БЎЛҒАЙ

СУРАТДА: учрашувдан лавҳа. Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Футбол

Илгари жаҳон чемпионати ўйинларида иштирок этишни орзу қилиш у ёқда турсин хаёлга ҳам келтириб бўлмасди. Боиси — собиқ иттифоқнинг шундай найранглари бор эдики, ҳар жиҳатдан етук ўйинчини ҳам тан олмай, чап бериб ўтишга интиларди. Мана, энди мустақиллик шарофати билан минглаб мухлислар илк марта Тошкентда жаҳон чемпионатининг саралаш учрашувининг шоҳиди бўлдилар. Миллий терма жамоамиз Францияда ўтказиладиган футбол анжуманининг финалига йўлланма олишни кўзламоқда. Айтиш мумкинки, юртдошларимизнинг биринчи босқичда гуруҳ ғолиби бўлиб, курашни давом эттиришга имкониятлари етарли.

Комбоджа футболчилари билан учрашув арафасидаёқ ғалаба нафаси келиб турганди. Чунки, меҳмонлар Индонезия майдонида 8 та, Яман футболчилари билан учрашувда 7 та тўп ўтказиб юборишган. Ишқибозлар футболчиларимиз дарвозага камида 10 та тўп йўллайдилар, деб ўйлагандилар. Зеро, учрашув кутилганидек бўлди, Комбоджа терма жамоасининг бош мураббийси Иохим Фикерт таъбири билан айтганда, футболчиларимиз юқори малакали, жисмоний тайёргарликлари етарли, ўйин услублари ҳам ўзига хос тарзда ҳаракат қилишди.

Футболчиларимиз устози Рустам Мирсодиқов жамоамизни қуйидаги таркибда майдонга туширишни лозим топди: Павел Бугало, Андрей Фёдоров, Февзи Давлетов, Рустам Шоймардонов, Бахтиёр Қамбаралиев, Николай Ширшов (Мухтор Қурбонов), Сергей Лебедев, Нўъмон Ҳасанов, Абдуқаҳҳор Маърифалиев (Жафар Ирисметов), Равшан Бозоров, Ойбек Усмонхўжаев (Дилмурод Назаров). Учрашувнинг бешинчи дақиқасида Ширшов ҳисобни очган бўлса, орадан 10 минут ўтгач Ҳасанов ғалабани мустаҳкамлади. 36 минутда Лебедев учинчи тўпни дарвозага йўллади. Танаффусга 2 минут қолганда Фёдоров ўзини кўрсатди. Учрашувнинг иккинчи қисмида футболчиларимиз яна икки бор дарвозани ишғол этишди. 59-минутда Ирисметов, 80 минутда Лебедев дарвозани аниқ нишонга олиб, умумий ҳисобни 6:0 га етказишди. Ўйлаймизки, футболчиларимизнинг бу ғалабаси миллий жамоамиз мавқеини мустаҳкамлаш билан йигитларни 1 июнь куни Индонезияда бўладиган сафар учрашувида ҳам ғолибона саъй-ҳаракат қилишларига руҳлантиради.

БЕШИНЧИ ГУРУҲДАГИ АҲВОЛ

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
Яман	4	2	1	1	8-1	7
Ўзбекистон	2	2	0	0	7-0	6
Индонезия	3	1	2	0	9-1	5
Комбоджа	5	0	1	4	1-23	1

Эҳтиром

МАНБАШУНОСЛИКНИНГ МАШАҚҚАТИНИ ЕНГГАН ОЛИМ

Таниқли шарқшунос олим Исматулла Абдуллаевнинг сермазмун ҳаёти, илмий ишлари ҳамда ўқитувчилик фаолияти жуда катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшган олимнинг фаолияти кўп қирралидир. Исматулла Абдуллаев араб, форс ва қадимги туркий тиллар бойлиги ва нафосатини чуқур ўзлаштирган. У ўзбек халқи тарихи ва шу билан бирга бошқа шарқ халқлари тарихини ҳам чуқур ўрганган. Машрабшуносликда ёрқин саҳифалар яратган, араб тилидаги ўзбек адабиётини таҳлил этган атоқли шарқшунос олимдир.

Исматулла Абдуллаев араб тилидаги кўп манбаларни ўрганди. Ана шу дурдона манбаларда бизнинг бир неча йиллик тарихимиз, маданиятимиз, қўйингки, ўзлигимиз мужассам. Бугунги кунга келиб қадриятларимизни тиклашга, тарихимизни ўрганишга, ўзлигимизни англаб етишга астойдил аҳд қилган эканмиз, бунда ҳам мана шу дурдона асарлар бизга қўл келиши муқаррардир. Унинг йирик илмий-тадқиқотларига мамлакатимизнинг машҳур шарқшуносу, адабиётшунослари, академик ва фан докторлари, В. Абдуллаев, Ш. Шомуҳамедов, Н. Маллаев, А. Ҳайитметов, В. Абдуғафуров, Ҳ. Ҳамидов, В. Г. Булгаков, тожикистонлик адабиётшунос Э. Шодиев, М. Оқилов, Т. Мардонов ва бошқалар ижобий баҳо бердилар.

Манбашунослик фаннинг энг қийин ва машаққатли соҳасидир. Ўзбек манбашуноси эски араб имлосидаги араб ёзувини билишдан ташқари, араб ва форс тилларини ҳам билиши керак. Исматулла Абдуллаев эса араб, форсий ва туркий тиллардаги манбаларни бемалол ўзбек ва рус тилларда тадқиқ ва таржима қилиш қобилиятига эга бўлган шарқшунос-манбашуносдир. Бундайлар бизда бармоқ билан саналади.

Истеъдодли олимнинг илмий мақолалари Москва, Боку, Душанбе, Ереван, Қобул, Қоҳира каби йирик шаҳарларда ҳам чоп этилган. Ахлоқ, одоб, маънавият ва маърифатга оид 200 дан ортиқ мақолалари республика журнал ва рўзномаларида кенг жамоатчиликка тақдим этилган.

Илмий асарлар билан бир қаторда бадиий таржима соҳасида ҳам Исматулла ака самарали меҳнат қилди.

Исматулла Абдуллаев ўзининг нодир қиймат-баҳо шарқ кутубхонасини Наманган Давлат университетига ҳолисаниллоҳ ҳадя қилди.

Педагог ва арабшунос-манбашунос И. Абдуллаев 70 ёшга тўлдилар. Шундан 55 йилини илмий ва тарбиявий ишга бағишладилар. Йирик шарқшунос олим педагогик фаолиятини катта масъулият билан давом эттирмоқда.

Неъматулло ОТАЖОНОВ,
Мавлудахон МАМАДАЛИЕВА.

ҚАДАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ КЕЛСИН

Куни кеча жаҳоннинг 32 мамлакатидан келиб пойтахтимизда меҳмон бўлиб турган машҳур кино юлдузлари ва анжуман қатнашчилари ибратли тарихга эга бўлган Самарқандни тавоф қилиб қайтдилар.

Меҳмонлар даставвал буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Сўнгра Улуғбек обсерваториясини, «Афросиёб» музейини бир дунё завқ-шавқ ва ҳайрат билан томоша қилишди. Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Регистон каби мўътабар манзиллар ҳам бутун дунё олқишлаётган санъаткорларимиз қалбини забт этганлиги шубҳасиз.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Тойлоқ тумани боғида анжуман шарофати билан ташкил этилган халқ сайлида қатнашдилар, меҳнаткашлар билан учрашдилар. Тойлоқлик мактаб ўқувчилари яратган халқ амалий санъати маҳсулотларини томоша қилдилар. Ўша куни бизга тўйиб-тўйиб тут ейиш бахти ҳам насиб бўлди. Ўқувчилар томонидан тузилган концерт дастури ҳам анжуман иштирокчиларига манзур бўлди. Тойлоқликлар жаҳон кино юлдузлари билан суҳбатлашишди, ёнма-ён суратларга тушишди.

Хайрлашув оқшоми Тойлоқ туманидаги «Боғизағон» ҳудудида бўлди. Бу сўлим оромгоҳда дунёнинг турли тилларида фикрлаб ижод қилаётган санъаткорлар самарқандлик хонандалар ижросидаги ўзбекча куй ва қўшиқларга гўё бир оила аъзолари жамулжам бўлгандек берилиб рақсга тушишди, даврада ўйнамаган одамнинг ўзи қолмади: Айниқса, америкалик машҳур кино юлдузи Патрик Кил-Патрик, ҳиндистонлик Ильҳом Шахине ва Акбар-хонларнинг рақслари ёшу қарининг кўнглини бирдек тўлқинлантириб юборди. Машҳур актриса Ильҳом Шахине тўлқинланиб шундай деди: «Ўзбекистонда биринчи марта бўлишим. Лекин бу юртда гўё уни туғилганимдан буён биладигандек қувониб юрибман. Ўзбекистонлик одамлар ҳам худди қариндошларимга ўхшаяпти».

Санкт-петербургли киножурналист Валерий Терехов ўн иккинчи марта Халқаро Тошкент кинофестивалида қатнашаётгани ва ҳар safar Самарқандни зиёрат қилиб кетишини айтди. «Бу шаҳарга ҳеч қачон тўйиб бўлмаса керак. Йиллар ўтиши билан ёшариб кетаяпти. Биз томоша қилган фильмлар ичида менга айниқса тошкентлик кинорежиссёр Қамара Камолова суратга олган «Атроф оппоқ қорга бурканди» фильми жуда-жуда манзур бўлди. Кўрганимдан буён ўша асар таассуроти билан яшаяпман» дейди у.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

Дил изҳори

ШЕЪР БЎЛИБ ТУҒИЛСА МУСАВВИР ДАРДИ...

У ҳақда ёзиш қийин, Айниқса, унинг одатдагидан каттароқ очиладиган чашмиқароғи-нигоҳи билан бошдан оёқ қиёфангни эмас, бир лаҳзада ич-ичингни ҳам мириқиб томоша қилиши, фақат шугина эмас, агар хохласа шаклу шамойилингни ҳам чизиб кўрсатишга қодир нодир хислат эгаси ҳақида бир гап айтишнинг ўзи бўлмайди. Менинг бу ёзганларим Абдихалил Қурбон чизган суратларни кўриб дилимга туйган ҳайратлар холос.

Уни қиёфа рассоми дегим келади. Аслида ҳаммасидан қийини шу. «Ичимдагини топ» дегандай тикилиб турган одам боласининг ботиний дардларини «мана у» деб топиб тасвирлаш ҳар қандай мусаввирга насиб қилавермайди. У Лермонтов ёшига етар-етмас ёлғончи дунёдан юз ўгирган дониш ва латиф шеърлар тўплами билан «Кўкдаги умр»га айланган ҳассос шоир Назар Шукурнинг портретини чизишга жазм этганига ҳайрон қолгандим. Шоирнинг ҳар галги хотира кечасида унинг дўстлари Абдихалил мўйқаламига таҳсин ўқиб турганининг гувоҳи бўлдим. У яна чироқчилик бадиҳагўй бахши Азим шоирнинг қиёфасини ҳам чизганди. Бахшининг 60 ёшлик тўйига тўёна эди бу сурат. У пайтлар бахши юртма-юрт, тўйма-тўй ҳайқириб юрарди. Воҳ-воҳ ундайин чечан қофияли сўзни жойида қотирадиган, овози овулни тўлдирадиган бахши бу яқин ўртада ўтмади-ёв... Афсуски, Азим шоирдан китоб-питоб қолмади, Абдихалил ўхшатиб чизган сурати қолди холос.

Яна бир сир: у ҳеч кимга кўрсатмай шеър ҳам машқ қиларди. Қачонки шоир дўсти Ўроз Ҳайдар сезиб қолиб «оқ йўл» тилагач, маҳаллий газеталар унинг дил оҳангларини ошкор қилишга тушди.

Абдихалил руҳият рассоми, хаёлот рассоми. Шул боис унинг портретларида кўз ички дунё хабарчиси. «Урчиқ йигираётган аёллар», «Узумзорда», «Бувим», «Энагинам», «Кўклам шоири» каби мойбўёқда чизилган суратларнинг тили йўқ. Аммо тикилиб турсанг «сўзлаганисўзлаган».

Фақат изланиш ва ижод билан ўтаётган умр дафтарининг варақларига кўз ташласанг жуда оддий. Унинг борйўғи ҳайратдан иборат болалиги ўзи таваллуд топган Чироқчидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ўтган. Ҳайратлар бора-бора суратларга кўчган. Мактаб унга шакл берган. Кейин армия. Тошкентдаги маданий оқартув техникумидаги таҳсил. Ўзбекистон халқ рассомлари Раҳим Ахмедов, Рўзи Чориев, Абдулҳақ Абдуллаев, Баҳодир Жалоловлар ижодидан баҳраманд бўлиш. Катта орзулар билан қишлоққа қайтиш. Муттасил ижод ва изланиш. 1991 йилда унга вилоят ёшлар иттифоқининг мукофотини беришди. Вилоят ва республика кўргазмаларида асарлари муносиб баҳо олди. 1992 йилда Абдихалил ўз шогирдлари билан қишлоқ марказида мусаввирлик, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, наққошлик, ганч ўймакорлиги ишлари билан шуғулланадиган «Рассом» кичик корхонасини очди. Корхона қошида тўгарак ҳам ишлаяпти. Уста рассомнинг шогирдлари Эшмўмин Яхшибоев, Усмон Холбўтаев, Олим Ёриев, Яҳё Қурбонов, Одил ва Бахтиёр Холбозоровлар мусаввир сир-синоатига ошно бўлишга жазм этган. Ижод ва маҳорат машаққатларини енгиб, одамлар олқишига илҳақлик ила қалам тебратмоқдалар. Каттакон водий Қашқадарё ҳайратларини гоҳида ранг-тасвир, гоҳо дилтортар шеърлар билан идрок этиш бугун не бахтки Абдихалил зиммасига тушипти, биз унга фақат омад ёр бўлсин деймиз...

Ғози РАҲМОН.

«МУСАВВИР» ВА «ҲУНАРМАНД»

Тошкентда республика ҳунарманд-усталарининг таъсис конференцияси ўтказилди. Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган усталар иштирок этишди. Республика «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори ва республика «Ҳунарманд» уюшмаси раисини сайлаш ҳамда «Ҳунарманд» уюшмасининг низомини тасдиқлаш масалалари кўриб чиқилди.

Маъсуда ЁҚУБОВА.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДАГИ

«ШИРИНЛИК»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИОНЕРЛАРИ ЙИҒИЛИШИ ҲАҚИДА

БИЛДИРУВ

1997 йил 27 июнь куни акционерларнинг умумий йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилиш «Ширинлик» ҳиссадорлик жамияти ҳудудида соат 10.00да ўтказилади. Рўйхатга олиш 8.30дан бошланади.

КУН ТАРТИБИ:

1. 1996 йил ишларига якун ясаш.
2. Дивидендаларни тақсимлаш.
3. Ҳиссадорлик жамияти Низомининг янги таҳририни қабул қилиш.
4. Бошқарув кенгаши ва кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси иши ҳақидаги қоидаларни тасдиқлаш.
5. Бошқа масалалар.

«ШИРИНЛИК» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚОШИДАГИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

Маълумот учун телефонлар: 5-23-05, 5-21-36.

АО «ТАШКСМ»

700059 г. Ташкент ул. Усмана Носира проезд 2, дом 2

26 июня 1997 года в 14.00 в актовом зале АО «ТашКСМ» состоится собрание акционеров Акционерного Общества.

Начало регистрации акционеров в 13.00 в актовом зале

ПОВЕСТКА ДНЯ:

1. Отчет правления о работе производства за 1996 год и перспективы развития АО «ТашКСМ» до 2001 года.
2. Заключение аудиторской службы о достоверности составления баланса АО «ИашКСМ» за 1996 года.
3. О порядке распределения прибыли и размере выплачиваемых дивидентов.
4. Разное.

С материалами собрания можно ознакомиться в профкоме АО «ТашКСМ» с 16 июня 1997 года по 26 июня 1997 года.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ АО «Таш»КСМ».

ОЧИҚ ТУРДАГИ «АЛГОРИТМ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Акционерларнинг умумий ҳисобот йиғилиши шу йилнинг 27 июнь куни соат 15.00 да чақирилишини **маълум қилади.**

Мажлис қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, И.Усмонов кўчаси, 71.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси жамоаси республика радиоси «Сўнгги ахборот» муҳарририятининг собиқ ходими, истеъдодли журналист **Ҳамиджон ЙЎЛДОШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.